



Юрт корига яраш бахти

Бир неча йиллар аввал коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси оқсаётган, қолақ йўналишлардан бири эди. Эндликда мазкур соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга лойиқдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида фаолият юритаётган “Қурбонбой коммунал сервис” уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил топганига ҳадемай 6 йил тўлади. Ҳозирда ширкат 2 844 нафар аҳолидан иборат 17 та кўпхонадонли уйга хизмат кўрсатади. Ўтган давр мобайнида Қурбонбой Утаниязов раҳбарлик қилаётган ширкат қатор хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, ташаббускор раҳбар аҳоли ўртасида иситиш мосламасининг афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориб, кўп қаватли уйларга аристон котёллар ўрнатишга эришди. Банкдан олинган 120 млн. сўм кредит эвазига 6 та кўп қаватли уйларнинг том қисми юмшоқ қоплама билан ёпилди. Уйларга киравериш жойларида урна ва ўтиргичлар ўрнатилди. Айниқса, Сарбиноз мавзесида болалар учун замонавий ўйин майдончаларининг барпо этилиши нур устига аъло нур бўлди. Ширкатга



бириктирилган ҳудудда доимий равишда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда барча уйларнинг дезинфекциядан ўтказилиши, шунингдек, пластик фрамугалар солиштириш ширкатда аҳолининг бадал пуллари мақсадли ишларга сарфланаётганидан далолатдир.

Қувонарлиси, ширкат лизингга сотиб олган “ISUZU” NPR 82 русумли чиқинди ташиш машинаси ҳамда “ISUZU” NQR 71 PC русумли автоцистернали автоуловлар аҳолига беминнат хизмат қилмоқда.

Ш.РАДЖАБОВ, К.ЎЛМАСОВ

